

**“ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ДАСТУРИ  
ДОИРАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН  
КРЕДИТЛАРНИ АҲОЛИ ДАРОМАДИГА ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ  
ЎСИШИГА ТАЪСИР ЭТИШИ**

**Сафарбуваев Ботир Рўзиқулович**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура тингловчиси*

**Аннотация:** *Иқтисодиётда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни кредитлаштириш ҳисобига иқтисодиётни ривожлантиришда Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш орқали туртки бериш бу монетар омилларидан бири ҳисобланади. Натижада мамлакатда янги иш ўринлари яратилишига, аҳолининг даромад манбаига эга бўлишига ва ошишига, нарх навони барқорлигини таъминланишига, ижтимоий ҳаётни яқшиланишига, инфратузилма ва коммуникацияни яқшиланишига, илм фанни юксалишига, солиқ тушумларини ошишига ҳамда ялпи ички маҳсулотни ўсишига эришилиш назарга тутилади.*

**Калит сўзлар:** *Бандлик, иқтисодиёт, монетар омиллар, пул-кредит, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, макроиқтисодий кўрсаткичлар.*

Мазкур илмий мақолада, мамлакатимизда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромадга эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида 2022-2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига амалга оширилган ишларни натижаси ҳамда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларни макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суратларига ижобий таъсир этганлиги, аҳолининг даромад манбаининг ўсиш суратлари солиштирилиб соҳалар кесимида инфографикаси таёрланиб таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида ўтказилган илмий амалий (стажировка) тажрибани ошириш жараёнида Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим қилинган электрон маълумотлари асосида кредит ажратиш ҳисобига аҳоли даромадини ошиши юзасидан ўтказилган мониторинглар натижалари қиёсий таҳлил қилиниб солиштирди.

Таҳлил давомида Ислом молиясининг “Салам” дарчаси “инструменти” билан тижорат банклари банк тизими кредитлари солиштирилиб, самарали жиҳатлари ёритилган ва келгусида аҳолининг даромад манбаини ошиши ва камбағалликни қисқартириш юзасидан самарали усуллар таклиф қилинди.

Бугунги кунда Бутун дунё давлатлари ўз иқтисодиётини ривожлантиришда амалга ошираётган чора-тадбирлари ҳамда ишлаб чиқилган давлат дастурларида албатта камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбаини оширишни

асосий мақсад қилиб олмоқда. Албатта, мамлакатда камбағал аҳоли даражасини қанчалик кам бўлса ва ёки аҳолининг даромад манбаи яхши бўлганда, бозор иқтисодиётнинг ривожланиши ошади. Ушбу мамлакатда инвестиция жозибадорлиги суръати ўсади. Натижада мамлакат иқтисодиётида сезиларли даражада ўсиш кузатилади. Мазкур амалиётни амалга оширишда пул-кредит сиёсатининг кредитлаш омилини қўлланиши ҳукумат дастурларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатда эса камбағаллик даражаси паст кўрсаткични ташкил этади. Бунга сабаб қилиб меҳнат бозорида мавжуд иш ўринлари ва юқори даромад манбаларини мисол қилиб олиш мумкин.

Умумий қилиб олганда, камбағаллик нима ва уни қашшоқликдан нима фарқи бор деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлиши табиий. Камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаси юзасидан бугунги кунда дунё давлатлари орасида келишилиб умумий қабул қилинган ва ягона бир тушунчага эга бўладиган таъриф қабул қилинмаган. Хар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари ва мамлакатда амалга ошираётган ислохатлари юзасидан келиб чиққан ҳолда тафсифлайди.

Қисқача айтганда, қашшоқ инсон биринчи навбатдаги эҳтиёжларини (овқатланиш, кийиниш, турар-жой ва ҳок.) ҳам қондира олмайди, камбағал инсон эса ўша эҳтиёжларни қисман қондириши мумкин ёки эҳтиёжидан ортира олмайди.

Камбағал оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунарга ўқитиш чоралари қўллаш ва ижтимоий ёрдамлар билан узлуксиз таъминлаб бориш натижасида ушбу оилани камбағалликдан чиқариш чоралари бугунги Ўзбекистонда амалиётга қўллаб келинмоқда. Бироқ, мазкур амалиётлар билан барча камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш имокини мавжуд эмас.

Бир сўз билан айтганда, айти дамда Ўзбекистонда мавжуд аҳолининг қарийб 14 фоизига яқин оилалар мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ўз ҳиссасини қўша олмайди, ёки 4.5-5 млн аҳоли ЯИМни ўсишига таъсир эта олмайди. Буни аниқроқ қилиб айтганда керакли даражада харажат қила олмайди, зарур маҳсулотни харид қила олмайди, меҳнат кучидан фойдаланмайди. Бу эса иқтисодиётнинг ўсишида яна бир имкониятлардан фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

Мен, ўз амалиётимни Камбағаллик вазирлигида ўташ даврида камбағалликни келиб чиқиши, камбағал оилани аниқлаб олиш ва камбағалликдан чиқарилишида қандай чоралар кўрилганлиги ҳамда камбағалликдан чиқарилишда тижорат банкларининг кредитлари ўрни қандай эканлиги ўрганиб, мавжуд маълумотларни қиёсий таҳлил қилдим. Яъни тижорат банклари орқали кредит ажратилиши натижасида камбағалликни қисқартириб, оиланинг даромад манбаини ошишига ёки уни иш билан банд бўлишига эришиладими? Бу билан бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг ўсишига ҳам самарали эришса бўладими? деган саволларга амалий

жавоб топишга интилдим ва 2022-2023 маълумотларни қиёсий таҳлил қилиб солиштирдим.

Умумий қилиб айтганда, менинг магистирлик дисертациям мавзуси “Тижорат банклари кредитларининг иқтисодиёта таъсири” ни камбағалликни қисқартириш юзасидан кредит ажратилишидаги боғлиқликни ўргандим ва таҳлил қилдим.

Бозор муносабатларини ташкил этувчи тизим фаолиятида, мамлакат иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишида тижорат банклари муҳим ўрин эгаллайди.

Барчамизга маълумки, тижорат банклари аҳоли ва хўжалик субъектлари эҳтиёжларидан ортиқча бўлган молиявий ресурсларни қўшимча тўлов асосида ўзига жалб этиб, вақтинчалик молиявий маблағларга зарурат сезаётган тадбиркорларга кредит ресурслари сифатида етказиб беради, шу билан бирга, банк ўз операциялари орқали аҳолини янги иш ўрни билан таъминлашда беқиёс ўрин эгаллаб, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга ўзининг юксак ҳиссасини қўшиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотимда камбағаллик тушунчаси, унинг мезонлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг амалиётдаги ҳолати, камбағалликни қисқартириш ҳамда тижорат банклари кредитларининг ажратилишида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ва янги иновацион шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериб, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган асосий масалалар хусусида тўхталиб ўтдим.

Тижорат банклари мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланишида ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Шу билан бир қаторда, иқтисодиётни молиялаштиришнинг барқарор манбаларини шакллантиришда банк тармоқларининг кенглиги муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, банк тизими бозор иқтисодиётида тармоқларни бир-бири билан боғлаб туришида алоҳида муҳим молиявий воситачи ролини бажариши билан бир қаторда, бугунги кунда миллий иқтисодиётимизни тез ривожланиб бораётган секторларидан бири ҳисобланади. Ушбу борада Ўзбекистонда қабул қилинган ҳукумат қарорлари ўрганилиб чиқилди.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнида ПҚ-3777 сонли қарори қабул қилиниб, қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори қабул қилин, мазкур қарор ижросини таъминлашда вилоят ва туман (шаҳар)ларда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан тавсия ва хулосалар бериш ҳисобига жисмоний ва юридик шахсларга Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар ажратилиши белгиланган.

Ушбу қарор доирасида ҳар молия йилида лимит ажратиш мақсадида Президент қарори асосида маблағ ажратилиши йўлган қўйилган. Ушбу дастур доирасида 2022

йилдан бошлаб кредит олишда тавсия ва хулоса бериш ягона электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.


Ўтган 2022 йил давомида ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига асосан Республика меҳиёсида жами 424,6 минг нафар фуқароларга 9,8 трлн сўм миқдорида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилган. Ушбу 9,8 трлн сўм миқдоридаги кредитларни соҳалар кесимида ажратилишини куйида 1-расмда диаграмма кўришингиз мумкин.

1-расм.



2022 йилда ажратилган кредитларнинг энг кўп миқдори бу хизмат кўрастиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келиб, иқтисодиётнинг реал секторида катта ҳисса қўшганидан далолат беради. Мазкур ажратилган кредитларнинг 312 млрд сўми ёки 3.2 фойизи ижтимоий дафтарга киритилган оила аъзоларига ажратилган. (2-расм)

2-расм



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги ПҚ-39 сон қарори асосида 2023 йил учун Оилавий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш дастури доирасида 13 триллион сўм кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 248,0 минг фуқарога 5,1 трлн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган, бу эса назарда тутилган маблағнинг 39,2 фойизини ташкил этади. Мазкур кредит ажратилишида Темир дафтарга киритилган оилалар мавжуд эмас. Яъни камбағал оилаларга 2023 йил давомида деярли кредитлар тижорат банклари томонидан ажратилмаган. Камбағал оилаларни моллиявий ва моддий қўллаб-қувватлашда асосан ҳукумат томонидан субсидиялар ажратилиши йўлга қўйилган.

Мамлакатда 2023 йил давомида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар тадбиркорлик фаолиятини юритишда мойиллиги

мавжуд ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган. Шунингдек, 2023 йилда мазкур дастур доирасида кредит ажратишида, олдинги даврда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида кредит ажратилган ва ушбу маблағлардан оқилона ҳамда самарали фойдаланилган тадбиркорларга ажратиши назарга тутилган.

Жорий йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг асосий қисмини 3 та вилоят ташкил этилиши жадвалда акс этган. Шунингдек, 2023 йилнинг 2-чораги якуни билан энг кўп миқдорда кредит маблағлари яна хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган. Ушбу кредит ажратиши тақсимотини қуйида 3-расмда кўришингиз мумкин.

3-расм.



Жорий йил давомида 75137 та камбағал оилаларга 262,5 млрд сўмлик субсидия ажратилган бўлиб, ушбу субсидиялар Кооперация, Қишлоқ хўжалиги, Асбоб-ускуна, Иссиқхона, Устоз-шогирд, Тадбиркор-ликка рўйхатдан ўтиш учун, Хунармандчилик ва бошқа йўналишларга ажратилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Республика Тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш Агентлиги томонидан тақдим этилган электрон маълумотлар ўрганилиб таҳлил қилинди.

Республика меқиёсида ажратилган кредит маблағларини 4 трлн сўми Агробанк, 3.8 трлн сўми Халқ банки ва Микрокредит банки томонидан 1,9 млрд сўм миқдрида кредит маблағлари ажратилган. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ҳам ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига асосан 5,1 трлн сўм миқдорида тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилган.

Хар бир оила тадбиркор давлат дастури доирасида кредит ажратиш ҳисобига аҳолининг даромад манбаини қанча миқдорда ўсганлиги ёки камайганлигини таҳлил қилиш мақсадида республика меқиёсида Ҳоким ёрдамчилари томонидан кўрсатилган ёрдамлар ҳисобига аҳоли даромадларининг ўзгариш ҳолати 1 565 та маҳаллалар кесимида танланма асосида ўрганилган.

Республика бўйича бир хонадоннинг дастлабки ойлик даромади

5,4 млн.сўмни жон бошига 1,1 млн.сўмни ташкил қилган. Ажратилган кредит, субсидия ва бошқа ёрдамлар ҳисобига Бугунги кунда битта хонадоннинг ўртача ойлик даромади 8,1 млн.сўмни ташкил қилиб, жон бошига ойлик даромади 1,8 млн.сўмга етган. Натижада ўтган йилга нисбатан 6,7 минг сўмга ёки 162 фоизга ошган.(I-жадвал).

**Ҳоким ёрдамчилари томонидан кўрсатилган ёрдамлар натижасида аҳоли даромадларининг ўзгариш ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида**

1-жадвал.

*01.07.2023 йил ҳолатига*

Худудлар кесмида	ЖАМИ	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Кашқадарё вилояти	Навоний вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1 Ажратилган кредитлар	248 075	28 642	24 278	21 620	16 085	20 951	11 527	4 820	26 722	18 852	10 994	18 384	24 405	19 265	1 530

Ўрганилган маҳаллалардаги 61 минг та хонадонларга ажратилган кредитнинг 84,2 фоизи (51 минг таси) яхши, 14,6 фоизи (8,8 минг таси) ўрта ва 1,2 фоизи (0,7 минг таси) салбий (ёмон) натижа кўрсатган.

Ажратилган кредитлар ҳисобига аҳоли даромадлари ортиши таҳлил қилинганда Ёзёвонда 39 фоиз, Узун, Булоқбоши ва Дўстлик туманлари 49 фоиз, Ховос, Ўзбекистон туманларида 50 фоиз, Шахрисабз ва Учқудук туманларида 52 фоиз бўлиб, тўлиқ натижага эришилмаган.

Ўрганиш натижасига кўра 721 та лойиҳага ажратилган

17,8 млрд. сўм имтиёзли кредитлардан мақсадсиз фойдаланилган.

Мақсадсиз ишлатилган имтиёзли кредитлар йўналишлар кесимида таҳлил қилинганда паррандачилик йўналишида 163 та (23 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳасида 112 та (16 фоиз), тикувчиликда 98 та (14 фоиз) ва чорвачилик соҳасидаги 88 та (12 фоиз) имтиёзли кредитлардан мақсадсиз фойдаланилган.

Хусусан, энг юқори кўрсаткич Андижонда 145 та (20 фоиз), Фарғонада

121 та (17 фоиз), Жиззахда 119 та (16 фоиз) ва Самарқандда 111 та (15 фоиз) ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари ўрганилган маҳаллаларда 8,2 мингта хонадонларга ажратилган субсидиялардан 7,3 мингта 89 фоизи яхши, 879 та 11 фоизи ўрта ва 20 та 0,2 фоизи салбий натижа кўрсатган.

Ўз навбатида ажратилган субсидиялар ишсиз ва кам таъминланган аҳоли даромадлари оширилишига олиб келган.

Таҳлилар натижасида, ҳар бир оила тадбиркор доирасида аҳолининг даромад манбаи ошишига эришилган. Бунинг натижасида аҳолининг харид қобилияти ошган.

Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларга талаб ошишини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига эришилади. Натижада ЯИМ ҳажми ўсиб, иқтисодиётида ўсиш кузатилади.

Бироқ, камбағал оила аъзосига ва ёки тадбиркорликни эндигина бошлаган, шунингдек бошланишида ўз маблағига эга бўлмаган аҳолига кредит ажратилиши бу аслида йирик риск ҳисобланади. Бундай ҳолатда мен Ислом молияси асосида йўл тутиш жоиз деб ҳисоблайман. Бу борада тижорат банки ва Ислом молиясидан маблағ олиб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва натижаларни фойда ва зарарлар мисолида таҳлил қилиб шундай хулоса қилдим.

Юқоридаги ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда кредит олишда талаб асосан қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари эканлигини инобатга олиб, Ислом молиясининг “Салам” инструментини қишлоқ хўжлагига картошка етиштириш мисолида таҳлил қилиб, ананавий тижорат банклари кредитлари билан таққослаб кўрдим. Таҳлилларим натижасини қуйида келтирилган расмларда кўришингиз мумкин (4-5-6-расмлар).

Ислом молиясининг “Салам” инструменти ва ананавий банк тизими орқали маблағ ажратилиши таққосламаси.

4-расм

5-расм

7-расм

Анавий банк томонидан ажратилган кредитлар натижасида махсулот етиштирилса ва махсулот тайёр бўлганида унинг бозор нархи экин экиш давридаги нархидан 51 фоизга арзонлашса ҳам тадбиркор қисман бўлса ҳам фойда билан чиқиши муумкин. Бироқ, мазкур нарх 52 фоиздан пастлаб бошласа, тадбиркор зарар кўришни бошлайди. Ислом молиясида эса нарх қанчалик арзон бўлмасин тадбиркор деярли зиён кўрмайди. Шунингдек Ислом молияси асосида фаолият олиб борилса махсулот нархининг барқарор ушлаб турилишига эришилади.

Бундан ташқари, Агар тадбиркор йирик ер эгаси бўлса унда фойда миқдори ошиб боради. Бунда тижорат банки томонидан тақдим этилган кредитнинг фоиз даражаси тадбиркорга деярли унчалик йирик харажат ҳисобланмайди. Аммо, тадбиркор ер эгасининг ер майдони кичик бўлса унинг етказган махсулотига тижорат банки томонидан ажратилган кредит фоизи йирик харажат ҳисобланиб, тадбиркорнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатда эса Ислом молияси акс таъсир кўрсатади.

Таҳлиллар натижасида қуйидгаича таклиф ва тавсиялар бераман.

Биринчидан: -Камбағал оилаларга тижорат банклари томонидан кредит ажратилишини тўхтатиш зарур. Бу билан уларнинг янаям қарзга ботиб камбағалликдан қашшоқлик даражасига тушиб қолинишини олдини олишга эришиш мумкин.

Иккинчидан: -Мамлакатда давлат улуши асосида Ислом молияси талаблари асосида маблағ ажратиш ваколатига эга Давлат муассасасини ташкил этиш лозим

Учинчидан: -Камбағал оилаларга ислом молияси инструментлари асосида маблағ ажратган ва улар билан тадбиркорлик фаолиятида шериклик қилган тадбиркорларга Ҳукумат томонидан имтиёзлар ишлаб чиқарилиши лозим.

Тўртинчидан: -Ўтган давр мобайнида камбағал оилаларга ажратилган кредитларнинг фоиз қисмини ҳукумат томонидан қоплаб берилишини зудлик билан жорий этиш лозим. Акс ҳолда кейинги даврга келиб, қарздорлар сони ошиб, камбағал оилаларни қашшоқликка айланиб қолинишига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Бешинчидан: -Кичик тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ушбу фаолият билан шуғулланиб келаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатда ислом молиясини жорий этилиши учун кенг йўл очиб берилишини таъминлаш лозим.

Олтинчидан: -Тижорат банклари томонидан ажратилишида ҳудудларнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда кредит фоизларини бир қисмини қоплаб берилишини таъминлаш лозим.

Етинчидан: -Юқоридаги камбағалликни қисқартиришда дастурлар доирасидаги ва уларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳолининг қолган 10—25 фоизни тадбиркорликка жалб қилинишига эришилади. Бу эса иқтисодийнинг 7-15 фоизгача ўсишига эришиш мумкин деб амалиёт ҳисоботимни яқунлийман.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнида ПҚ-3777 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 21-декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269 сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “ 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрдаги “ маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31сон Қарори.
6. Ислом Молиясига кириш. Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий 2023-йил.
7. Е.Байдаулет. Исломий молия асослари. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019.
8. Р.Беккин. Ислом иқтисодий модели ва замон. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019 (таржимон Б.Жўраев).
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат Статистика Агентлиги. <https://stat.uz/uz/>
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки. <https://cbu.uz/>
11. <https://ophi.org.uk/multidimensional-poverty-index/>.
12. <https://my.gov.uz/uz/identification-assignment-of-low-income-families-v1/families-livestock-poultry-applicant/update?id=71054460>.
13. «2020 — 2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида» Тошкент ш., 2020-йил 12-май, ПФ-5992-сон.